

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 04 кунда жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман суди, Ѓиждувон туман “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман суди судьяси Б.Умаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Асадовнинг котиблигида, томонлардан Ѓиждувон туман прокурори ёрдамчиси О.Равшанов, жабрланувчи З.Истамова, судланувчи Д.Ѓамдамов ва унинг ҳимоячиси “ADOLAT YULDUZI PLUS” адвокатлик фирмаси адвокати З.Мўминовнинг иштирокида Ѓасанов Отабек Ёқуб ўғлига нисбатан 1-2006-2301/98-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Ѓасанов Отабек Ёқуб ўғли (HASANOV OTABEK YOQUB O'G'LI) 1993 йил 04 март куни Ѓиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ѓиждувон туман, “Айиртом” маҳалла фуқаролар йиғини, “Тошработча” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 30 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг жиноят ҳолатлари бўйича кўрсатмалари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб, давлат айбловчисининг фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан О.Ѓасанов 2023 йил 02 март куни тахминан соат 13 ларда Ѓиждувон туман “Айиртом” маҳалла фуқаролар йиғини “Тошработча” қишлоғида жойлашган яшаш уйида, турмуш ўртоғи З.Истамова билан ўзаро оилавий келишмовчиликлар натижасида жанжаллашиб қолиб, шу жанжал вақтида З.Истамовани танасининг турли соҳаларига қўл ва оёқлари билан бир неча маротаба қасддан уриб, унга “бош мия енгил даражали лат ейиши билан давом этган калла пешона суюгининг ташқи девори синиши, кўз соҳалари қонталашлари, ўнг елка соҳасидаги шилинма ва ўнг билак кафт бўғими



юмшоқ тўқималарини лат ейиши” каби ҳаёт учун хавfli бўлмаган соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганликда айбланган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи О.Ҳасанов 2023 йил 2 март куни тахминан соат 13 ларда турмуш ўртоғи З.Истамова билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал вақтида турмуш ўртоғи З.Истамовани қўл ва оёғи билан уриб, унга ўрта оғир тан жароҳат етказганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчи З.Истамова билан ўзаро келишиб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ихтиёрий равишда ярашганини, айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инobatга олиб, улар ўртасидаги ярашувни тасдиқлаб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган З.Истамова 2023 йил 2 март куни тахминан соат 13 ларда турмуш ўртоғи О.Ҳасанов билан ўзаро келишмовчилик замирида жанжаллашиб, жанжал вақтида турмуш ўртоғи О.Ҳасанов уни қўл ва оёқлари билан уриб, унга тан жароҳат етказганлигини, ҳозирги кунда судланувчи О.Ҳасанов унга даволаниши билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганлигини, судланувчи О.Ҳасановга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини инobatга олиб, О.Ҳасановга нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан ўзаро ихтиёрий ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлик муносабати билан жинoий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи О.Ҳасанов ва жабрланувчи З.Истамованинг жиноят ҳолатлари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризалари бўйича сўзларини, томонларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, судланувчи О.Ҳасановнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчи З.Истамова билан ихтиёрий ярашганлиги, моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон



Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи З.Истамовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Ҳасанов Отабек Ёқуб ўғли (HASANOV OTABEK YOQUB O'G'LI)га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи О.Ҳасановга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига хусусий шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Умаров

Нусхаси аслига тўғри:

Б.Умаров

